

---

7-чақириқ 1- сессия Амалдаги қонунчилликка асосан туман, шаҳар ҳокимлари вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Сессия ишида иштирок этаётган Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Алибек Турсунов томонидан туман ҳокимини тайинлаш түғрисидаги вилоят ҳокимининг қарори ўқиб эшиттирилди.

Туман ҳокими лавозимига номзод Солиев Ғанижон Шералиевич томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастури тақдимот қилинди.

Номзод бўйича депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Депутатлар томонидан Бағдод туман ҳокими лавозимига Солиев Ғанижон Шералиевич номзоди тасдиқланди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати ([https://t.me/bagdodim\\_news](https://t.me/bagdodim_news))

2024-11-07 13:19:37